

ЛИБЕРАЛИЗМ – ФАРОВОНЛИККА ЭЛТУВЧИ ҒОЯ

Шодмонқулова М., ГулДУ ўқитувчиси

Маълумки, “Инсон эркинлигини шахснинг туб ҳуқуқларини ҳурмат қилиш билан, шунингдек, хусусий мулкчилик тизими билан боғлаган либерализм ўз концепцияси асосига эркин рақобат, бозор, тадбиркорлик идеалларини қўяди. Шунга мувофиқ равишда, либерализмнинг етакчи сиёсий ғоялари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, давлатнинг шартнома асосида пайдо бўлганлиги, шунингдек, сиёсатда рақобат қилувчи “касбий, иқтисодий, диний, сиёсий уюшмалар”нинг тенг ҳуқуқлиги ва “улардан бирортасининг бошқалар устидан маънавий устунлик ва амалий қудратга” эга бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги ишончга асосланган” [1]. Бугунги кунда либерализм жуда кенг концепцияни ифодалаб, бутун жамият ҳаётини камраб оладиган мафкуралардан бири ҳисобланади. Либерализмнинг идеали ҳар бир киши учун эркин хатти-ҳаракат қилиш, сиёсий жиҳатдан муҳим бўлган ахборот билан эркин алмашиш, давлат ва черков ҳокимиятини чеклаш, ҳуқуқ устуворлиги хусусий мулкчилик, хусусий тадбиркорлик эркинлиги кафолатланган жамият ҳисобланади. Либерализмнинг асосий тамойиллари ҳаётга, шахсий эркинлик ва мулкка индивидуал ҳақ-ҳуқуқларни; тенгҳуқуқлилиқ ва қонун олдида барчанинг тенглигини; эркин бозор иқтисодиётини; адолатли сайлов асосида сайланган ҳукуматни ўз ичига киритади. Давлат ҳокимиятининг функциялари эса ушбу тамойилларни амалга оширилишини таъминлашдан иборат бўлади. Замонавий либерализм шу билан бирга хурфикрлилиқ ва камчилиқ ва алоҳида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шарти билан давлатни демократик бошқаришга асосланган очиқ жамиятни танлайди. Либерализмдаги айрим замонавий оқимлар муваффақият, умумий таълим ва аҳоли даромадлари орасида фарқни камайтиришга қаратилган имкониятлар тенглигини таъминлаш учун эркин бозорларни давлат томонидан тартибга солинишига сабрлидирлар. Бундай қарашлар тарафдорларининг фикрича, сиёсий тизимда ижтимоий давлат элементлари мавжуд бўлиши лозим бўлиб, улар ўз ичига ишсизлар учун давлат нафақасини, бошпанасизлар учун ётоқхоналарни, пулсиз соғлиқни сақлаш тизимини киритиши зарур. Либераллар қарашларига кўра, давлат ҳокимияти унга бўйсунадиган одмларнинг фаровонлигиги учун мавжуд бўлади, ҳамда мамлакатдаги сиёсий раҳбарлик раҳбарлик қилинаётганлар кўпчилигининг розилиги билан амалга оширилиши керак.

Либерализм — индивидуалистик тизим бўлиб, инсон шахсига ва унинг ҳуқуқларига бошқа нарсалардан устунликни беради. Бироқ, либерал индивидуализми абсолют эмас, балки нисбийдир. Либерализм инсон ҳар доим эзгуликка хизмат қилади ва унинг иродаси ҳар доим яхши мақсадларга йўналтирилган, деб ҳисобламайди. Аксинча, инсон кўпроқ ёки камроқ даражада мустақил онг ва эркин иродага эга бўлиб, ёвузликка ҳам, эзгуликка ҳам интилиши мумкин. Шунинг учун анархизмдан (анархизмнинг айрим томонларини абсолют индивидуализм ифодаси дейиш мумкинлиги туфайли) фарқли равишда, либерализм алоҳида олинган одамлар иродасига қарама-қарши турувчи ва бу иродаги боғлаб қўювчи объектив ҳуқуқий давлат тартибини тузишни талаб қилади. Шу сабабли либерализм алоҳида одам маълум тартибот ва хулқ-атвор қоидаларига бўйсунадиган муассасалар ва ижтимоий шаклларни қўллаб-қувватлайди. Шунга қарамасдан, либерализм – индивидуалистик тизимдир, чунки унда алоҳида одам, шахс биринчи ўринда туриб, ижтимоий гуруҳлар ёки муассасалар қиймати улар нақадар алоҳида одам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари ва алоҳида субъектлар мақсадларининг амалга оширилишига кўмаклашиш даражаси билан ўлчанади. Шундай қилиб, давлатнинг ва бошқа ҳар қандай ижтимоий бирлашмаларнинг асосий вазифаси – ушбу ҳуқуқларни таъминлаш ва ҳимоя қилишдан иборатдир. “Ҳар қандай сиёсий иттифоқнинг мақсади – табиий ва ажралмас инсон ҳуқуқларини сақлашдир” (Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси. 1789, 2-модда) [2].

Инсон фаровонлиги ва ҳатто бахт-саодатини, шу билан бирга инсон шахсининг ҳеч тўсиқсиз бой-бадавлат яшаш ва ривожланиши учун имкониятларни кенгайтиришни ҳам либерализм ўзининг мақсади деб ҳисоблайди. Бундан келиб чиқадики, либерализм алоҳида инсон шахсий ташаббуси, тадбиркорлигини ижтимоий тартиботнинг асоси деб тан олади. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этиб ўтилганидек, либерализм – объектив тартиботнинг элементи бўлмиш барча ташкилотлар ва барча регламентларни минимумга етказди, чунки бундай ташкилот ва регламентлар алоҳида шахснинг субъектив тадбиркорлик ташаббусига зид бўлиб, унинг энергиясини, фаоллигини тўсиб туради.

Либерализмнинг ижтимоий тартибот тадбиркорлик руҳига ва алоҳида шахслар иродасига таянади ва у шахснинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилган даражада ишончини оқлайди, деган асосий тамойилидан бошқа барча талаблари келиб чиқади. Либерализм шахсий мулкнинг давлат мулки олдида сўнмаслигини эълон қилади, чунки алоҳида шахсларга тегишли фаровонликларга эгалик қилишда у ҳар бир киши учун тинчлига ўз мақсадларини кўзлаб иш тутиш ва ўз қобилиятларини ривожлантириш имкониятининг кафолатини кўради. Либерализм тасавурида инсон шу тариқа, ҳеч бўлмаса, маълум даражада моддий эҳтиёж босимидан тўсилиб, ўзини ўз шахсий бахт-саодатини, фаровон турмушини яратишга бағишлай олади.

Либерализмнинг шиори – мол-мулки борлар ва унга эгалик қилаётганлар бахтлидир. Мол-мулкка эгалик қилиш ижобий нарса сифатида баҳоланади. Шунинг учун, табиийки, либерализм хусусий мулкка эгалик қилиш ва уни кўпайтиришга қаратилган барча фаолият турларининг эркинлигини ўз ҳимояси ва ҳомийлиги остига олади. Либерализм мол-мулкка эгалик қилишга олиб келувчи хусусий ташаббускорлик ва хусусий тадбиркорликни чеклайдиган ҳатти-ҳаракатларни бартараф қилишга интилади ва унга эришиш чора-тадбирларини кўради. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, либерализм нафақат даромадли корхоналарни ўз ҳимоясига олади, балки у ҳар қандай ташаббусни, ижтимоий корхоналарнинг барча турларини қўллаб-қувватлайди, чунки уларда у инсон шахсининг ифодаси ва бой-бадавлат бўлиши омилини, инсон куч ва қобилиятларининг ривожини кўради

Умуман олганда, либерал индивидуалистик ижтимоий тартиботнинг барча асосий тамойиллари француз Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясида (1789 й.) жуда қисқа ва аниқ ифодаланган бўлиб, улар асосий ҳуқуқлар декларациясининг замонавий уринишларидан фарқ қилади. Ушбу декларация либерал тартибот асосини акс эттирувчи 4 та асосий ҳуқуқни эълон қилади. Булар: 1) Эркинлик. 2) Мулк. 3) Хавфсизлик. 4) Қаршилик кўрсатиш (бостириш, эзиш) ҳуқуқи [3]. Кўрсатилган ҳуқуқлар “фуқаро эркинлиги” деган ибора маъносини англатади. Бундай шахсий эркинлик 2та аспектга эга: 1) ҳар қандай шаклдаги хусусий ҳуқуқий бўйсуннишни бартараф қилиниши; 2) ҳар қандай турдаги корхоналарда шахсий ташаббусни ҳеч тўсиқсиз намоён қилиш кафолати берилиши.

Хулоса қилиб, шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда либерализм дунёдаги энг етакчи мафкуралардан бирига айланди. Шахсий эркинлик, шахсий қадр-қиммат ҳисси, сўз эркинлиги, умумий инсон ҳуқуқлари, диний бағрикенглик, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, хусусий мулк, эркин бозор, тенглик, ҳуқуқий давлат, давлатнинг олий ҳокимияти, миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, маърифатли ва доно давлат сиёсати концепциялари кенг тарқалмоқда. Либерал-демократик сиёсий тизимларга Финляндия, Испания, Эстония, Словения, Кипр, Канада, Уругвай ва Тайвань каби маданият ва иқтисодий фаровонлик жиҳатидан турлича бўлган мамлакатлар киради [4]. Ушбу мамлакатларда либерал кадриятлар жамиятнинг янги мақсадларини шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Бугунги кунда либерализмнинг турли шакллари ва оқимлари мавжуд бўлса-да, либерал демократия кўпчилик либераллар мақсадларини ифода этадиган сиёсий тизим ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Пугачев В.В., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. / Таржимон А.Бегматов раҳбарлигида. - Т.: Янги аср авлоди, 2004. Б. 300.
2. Либерализм Запада XVII—XX вв. / Под ред. В. В. Согрина. -М.: 1995.
3. Макаренко В.П. Главные идеологии современности. -Ростов-на-Дону: Феникс, 2000.
4. Freedom House: Freedom in the World. 2007.